

Бешовлари ривоят қилганлар.

«Мийқот» сўзи арабча «таъқийт» сўзидан олинган бўлиб, луғатда «бирон нарсанинг вақтини тайин қилиш» маъносини англатади. Кейинчалик бу сўз кенгроқ кўламда «макон» маъносида ҳам ишлатиладиган бўлди. Шаръий истилоҳда эса «мийқот» сўзи ҳаж ёки умра қилмоқчи бўлган кишининг эҳром боғлайдиган жойи ва вақтини билдиради. Табиийки, умра учун вақт маъносидаги мийқот бўлмайди, умрани йил давомида адо этиш мумкин.

Демак, «мийқот» деб эҳромга киришнинг тайинли вақти ва тайинли маконига айтилади. Ҳажнинг вақт бўйича мийқоти – Шаввол ва Зулқаъда ойлари ҳамда Зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунидир.

Макон мийқоти эса турли мамлакатлардан келган ҳожилар учун, уларнинг Маккаи Мукаррамага келиш йўлларига қараб турли жойлар бўлади. Масалан, макон мийқоти – Маккаи Мукарраманинг атрофидаги махсус белгиланган чегара, десак бўлади.

Ҳадисда айтилаётган Зулҳулайфа Мадинаи Мунавварадан Маккаи Мукаррамага қараб юрганда биринчи келадиган манзилдир. У ер ҳозирда «Обори Али» деб ҳам номланади. У ерга махсус масжид, ғуслхоналар қурилган ва эҳром боғлаш учун лозим бўлган бошқа шароитлар яратилган.

Жухфа ҳақида машҳур олим Ёқут Ҳамавий «Мўъжамул Булдон» китобида қуйидагиларни ёзади:

«Жухфа Мадинадан Макка томон кетишда тўрт марҳала (манзил) узоқликда жойлашган катта қишлоқ бўлган. Миср ва Шом аҳли Мадина орқали юрмасалар, мийқотлари Жухфа бўлади. Агар Мадина орқали юрсалар, мийқотлари Зулҳулайфа бўлади.

Унинг қадимги исми Маҳайъа эди. Баъзи йиллари сел келиб, унинг аҳлини хонавайрон қилганлиги учун Жухфа (вайрона) деб аталиб қолган».

Қорнул-манозил – Маккаи Мукарраманинг шарқий тарафида, икки кунлик масофада жойлашган тоғнинг номи. У «Қорнус-саъолиб» деб ҳам аталади.

Яламлам – Маккадан икки кунлик масофада жойлашган Тихома тоғларидан бирининг номи.

Ушбу ҳадиси шарифга биноан, юқорида зикри келган мийқотлардан ташқарида яшайдиган мусулмонлар Маккаи Мукаррамага ҳаж ёки умра нияти билан келмоқчи бўлсалар, ўша мийқотлардан эҳромсиз ўтишлари

мумкин эмас. Кимки ҳаж ёки умрани ният қилиб туриб, мазкур мийқотлардан эҳромсиз ўтса, жиноят қилган ҳисобланади (ҳаж ва умра истилоҳида жиноят деб эҳром ман қилган амалларни содир қилишга айтилади).

Ким мазкур мийқотлардан ўтмасдан, бошқа томонлардан ўтадиган бўлса ҳам, мийқотларнинг тўғрисиغا келганда эҳром боғлаши шарт.

Мийқотлардан кейин келадиган манзилларда яшайдиган кишилар эса ўзларининг турар жойларидан эҳром боғлайдилар. Макка аҳли ҳажга ўз уйидан эҳром боғласа, умрага ҳарамнинг чегарасидан чиқиб туриб эҳром боғлайди.

«Ҳадис ва ҳаёт» китоби 10-жуз

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022-йилдаги 03-07/3309-сонли тавсияси асосида чоп этилган.